

## ОЛМОН ТИЛИНИНГ ОЛАМШУМУЛ АҲАМИЯТИ

(Маъруза тезислари)

Рахимов Х.Р., проф.

Ўзбекистон немис тили ўқитувчилари ассоциацияси раиси

Олмония – Европанинг коқ марказида жойлашган ва айни кунда ана шу континентнинг энг кудратли ва обрўли мамлакатига айланган 82 миллион аҳолиси бор, тўрт томондан - Австрия, Белгия, Венгрия, Голландия, Дания, Франция, Швейцария, Чехия ва Польша каби 9 та давлат билан чегараланган ва уларнинг ўртасида жойлашган 357340 квадрат километрли ер майдонига эга бўлган бир давлатдир. Бу юртнинг номи қадимдан ўз тупроғида даставвал *duitisk*, кейинчалик *theudisk* ёки *tiu(t)sch*) сўзи “уруғга тегишли”, “халқчил” маъносида VIII асрда олдинига тилга (олмон тилига) нисбатан, XI асрда ушбу тилда гапирувчи халққа нисбатан, XIX асрда мамлакатга (Deutschland) ва ниҳоят XX аср ўрталарида яхлит давлатга (Bundesrepublik Deutschland) нисбатан ишлатилган.

Ҳозирги кунда у ўз юрти ва тилида Дойчланд(Deutschland), унинг тили эса *дойч (Deutsch)*, *дойче илрахе (Deutsche Sprache)*, яъни *халқ тили маъносида* ва халқнинг номи *Дойч (Deutsche)* деб юритилади. Бу атамалар дунёнинг бошқа турли халқлари тилларида эса турлича айтилиб келади. Чунончи кўшни давлатлар Швецияда Tyskland (Тискланд), Данимарқа ва Норвегияда *ryska*, Piskaland (Пискаланд), Италияда тил – *lei parla tedesco*, давлат номи эса – *Germania*; Ирландияда – *Gearmainis*, давлат эса *Gearmen*, Суаҳилида – *Ujerumani*, инглиззабон халқлар **герман қабиласининг** номи билан *Жёмени (Germany)*, *жёмен (German)* ва унинг тилини *жёмен (german language)* деса, фарангзабон халқлар бу мамлакатни **алеман қабиласининг** номи билан (*Allemand*) *Алмо* ва тилини *алмо* деб юритади. Худди шу атама испанларда *Alemania*, Португалияда *Alemanha* ва бир пайтлар Франциянинг қарамоғида бўлган Туркияда ва туркийзабон миллат бўлган Озарбойжонда ҳам айнан шундай *Almanya* (*Алмания, алманлар, алман дили*, қолаверса Татаристонда ҳам

*Алмания, алман тили* каби иборалар кундалик лексика сифатида истемолга киритилганига сал кам юз йил бўлган. Форсий забонда бу ном *Олмония, мардуми олмон, забони олмони, Almanu*, араб тилида *almanja* атамалари норматив иборалардир. Аммо фин тилида дойчларнинг **сакс қабиласи** номи *олиниб*, тил ва давлат номи *saksa*, кишисини *saksalainen* деб аташади. Эстонлар эса олмонларни *sakslane* деб юритади. Славян халқларида эса бу давлат номи *Германия*, унинг миллий тилини эса *немецкий язык*, мардумини *немец* деб айтишади. Бундай кескин бошқача айтилишнинг тарихий сабаблари шуки, XIII-асрдан бошлаб славян ерларига юриш қилиб келган дойчлар маҳаллий халқлар тилини билмасдан асосан имо-ишора тили билан мулоқот қилгани сабабли ерли славянзабон аҳоли уларнинг юртини немания, халқини соқовлар (немцы), тилини эса соқов тили (немой, немецкий язык) деб аташган. Қўшни славян халқларида шунга ўхшатиб, Польшада *Niemzy*, Словакияда *Nemcija*, Венгрияда *Nemeorszag* дейиш урф. 1924 йилдан собик СССР таркибига киритилган Ўзбекистон Совет социалистик республикасида Германия, унинг халқи ҳамда тилининг ўрисча номини бирозгина силлиқлаб *немислар, немис тили* деб ўзбекчалаштириб қўйган (У пайтлар юртимизда *дойч* тилини биладиган таржимонлар бўлмагандир балки...Бироқ ўшандан буён юз йил ўтса ҳамки ҳатто айрим олмоншунослар ўрис оғамизнинг ҳурматини қилиб *дойчни немис* деб аташда давом этмоқда, негаки бу традиция эмиш...

Бизнинг фикримизча ҳар бир халқ ва унинг тили номланишини таржима қилишда таржиманинг оддий, транслитерация усулидан фойдаланган ҳолда **бошқа халқларга хос нарса-ҳодисаларнинг номларини ўз тилимизга ўз ҳарфларимиз** билан “таржима” қилишимиз керак, ахир биз 33 миллионли ўзбекни бутун дунё ўзимиз айтаётганимиз ва ёзаётганимиздай қилиб *Uzbekistan, Usbekistan, Uzbek, Usbeke* деб турсаю, биз 82 миллионли халқнинг номини унинг собиқ душмани номлаган ва урф(традиция!)га айлантирган атама билан юритаверсак, адолатданми? Традицияга эргашишнинг ҳам макон ва замон чегараси бор-ку! Замон ўзгараяпти, биз қачон ўзгарамиз?! Эврилишнинг пайти келмадими? Менга қолса, бу халқнинг номини *дойчлар*, юртини

*Дойчланд*, тилини *дойч тили* деб юритган бўлардим ва қачондир шундай бўлади ҳам. Бироқ ҳозирча, келинг, ҳеч бўлмаса туркийзабон ва форсийзабон урфга биноан **Олмония, олмонлар, олмон тили** дейишни нормага айлантирайлик. Ахир бу халқ бугунги кунда бизнинг энг бой, оқибатли, ишончли ҳамкоримиз-ку! Шу йўлда давом этиш учун Президентларимиз учрашяптиларку.

Ушбу мухтасар мақолада ҳозирги кунда Ўзбекистонда энг кам ўқитилиб турган тиллар қаторидаги энг кўп ўқитилаётган **инглиз** тилидан кейинги ўринларда ўрганилаётган **чет тилларнинг бири бўлган олмон тилининг лисоний ва ижтимоий, техникавий ва фалсафий мушоҳада тил эканлиги, техник ва иқтисодий тараққиёт тили сифатида Олмония саноатини илгари сураётган тил эканлиги ҳақида** айрим қайдларни баён қилмоқчимиз.

**Олмон тили – миллатлар ва давлатлараро мулоқот тили.** Олмониянинг яқин тарихидаги воқеалар(биринчи ва иккинчи жаҳон маҳорабаларини герман милитаристлари бошлагани) кўп йиллар олмон тилини БМТ нинг расмий тилларидан бири бўлишига монелик қилди, албатта. Бугунги кунда олмон тили дунёнинг 120 миллиондан ортиқ аҳолиси, жумладан 7 давлатида - Австрия, Олмония, Швейцария, Лихтенштайн, Люксембург, жанубий-шарқий Франция, шимолий Италияда давлат тили, бошқа 42 давлатлар - Англия, Австралия, АҚШ, Аргентина, Белгия, Бразилия, Венгрия, Венесуэла, Голландия, Греция, Дания, Испания, Исроил, Камрун, Канада, Мексика, Намибия, Парагвай, Польша, Руминия, Словакия, Того, Туркия, Чехия, Чили, Швеция давлатларида, Россия ва бошқа Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, жумладан Беларуссия, Озарбойжон, Арманистон, Гуржистон, Украина, Латвия, Литва, Эстония, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистонда катта ва кичик миллатлар сифатида яшовчи 7,5 миллион олмонзабон аҳолининг мулоқот ва расмий тили олмон тили ҳисобланади. Чет тил сифатида эса олмон тили дунёнинг 119 мамлакати мактабларидаги қарийб 20 миллион ўқувчиларга ўргатилади. Шулардан 123 та давлатда олмон тили ўқитилиши чуқурлаштирилган 1500 та махсус мактаблар мавжуд. Дунё олий таълими

тизимда эса бу тил 117 давлат институт ва университетларида асосий чет тил сифатида ўрганилмоқда. Олмон тили Европанинг ғарби ва шарқи ўртасида кўприк вазифасини бажариши ҳам шу куннинг воқелигидир. Бугунги кунда олмон тили олмон фалсафаси, адабиёти, муסיқаси, фани ва маданияти, иқтисодиётини ўрганишга киришишнинг олтин калитидир.

**Олмон тили – фалсафа тили.** Бугунги кунда ер юзида 8 миллиардга яқин турли миллат ва элатларга мансуб аҳоли яшайди. Бу халқларнинг ўз миллий тиллари бор, албатта. Улар бир-бири билан мулоқот қилиши учун чет тилларни ўрганиши лозим. Дунёда турли мақом ва имкониятга эга бўлган 7000 дан ортиқ тиллар бор. Бироқ барча халқлар учун халқлараро тил ҳам мавжудки, бундай *лингва франка* мақомига бугунги кунда инглиз тили эга. (Бу мақом инглиззабон халқлар турли даврларда олиб борган колониал сиёсатнинг ҳосиласи эканлиги ҳаммага маълум бўлса керак.) Маълумки, барча тараққиёт энг аввало тафаккур ва тилда, кейин амалиётда амалга ошади, бинобарин инсон тафаккури она тилда шаклланади ва ривожланади. Тафаккур тилга, тил тараққиётга кўчади. Тилнинг ифода қудратигина тафаккурни ва тафаккур орқали жамиятни ҳаракатлантиради ва ривожлантиради. Қайси миллатнинг тили қудратли бўлса, ўша миллатнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий, илмий-техникавий қудрати ҳам кучли бўлади. Ҳозирги олмон тили 8-асрдан буён маҳаллий шева ва диалектларнинг бирлашуви асосида ривожланиб, бугунги кунда барча жабҳаларда норматив адабий тилга айланган жаҳон тилларидан биридир. У ўз бошидан тўрт тараққиёт босқичини босиб ўтган немисзабон халқларни бирлаштирувчи миллатлараро ва давлатлараро тил ҳисобланади. Бу тилда бугунги кунда дунёнинг 120 миллиондан ортиқ аҳолиси фикр алмашади. Дунё тамаддунини ривожлантирган буюк фалсафий асарлар дастлаб айнан ана шу тилда бунёд бўлган. Диалектика фанининг отаси ҳисобланмиш “Табиат диалектикаси” асари муаллифи Фридрих Ҳегел (Гегел эмас), материализмнинг асосчилари бўлган Иммануил Кант, Лудвиг Фойербах, Фихте ва Юнглир, буюк тарихчи олим Й. Г. Ҳердер, коммунизм назариятчис

К.Маркс ва Ф.Энгелслар ана шу олмон тилида қалам тебратиб, дунё фалсафий тафаккурини ривожлантирган.

**Олмон тили – қудратли бадий тил.** Бу тилнинг бадий имконият ва салоҳиятни энг юқори пардалрда намоён қилган олмон адиби Йоханн Волфганг фон Гётедир. У олмон миллатининг энг улуғи ва серкирра даҳо шахси сифатида олмон тилининг барча бадий-илмий имкониятларини 60 йил давомида битган ўзининг шоҳ асари бўлмиш “Фауст” фожианомасида, “Мағрибу Машрик девони”, авлодларни йиғлатган “Ёш Вертернинг изтироблари” каби асарлари ва бой шеърляти, минерология, санъат назарияси ва амалиётига бағишланган асарларида ёрқин намоён эта олган. Бу асарлардан таржима орқали бизнинг ўзбек тили ва адабиётимиз ҳам маънан озикланмоқда, “Рухлар исёни” (Э.Воҳидов) каби дostonлар пайдо бўлмоқда, адаблар ўз Эккерманлари бўлишни орзу қилишмоқда. .

Буюк олмон драматурги ва шоири Фридрих Шиллер Оврупо капиталистик жамиятининг унсур ва кусурларини ўзининг “Макр ва муҳаббат”, “Қароқчилар”, “Мария Стюарт” каби драмаларида олмон тилининг барча услубий имкониятларини ишга солганки, бу асарлар бугунги кунда ҳам дунё театрлари сахналаридан тушмай келмоқда.

Готҳолд Эфраим Лессинг эса ўзининг “Донишманд Натан”, “Эмилия Галотти”, “Минна фон Барнхелм” каби драмалари ва санъат назариясига бағишланган машҳур “Лаокоон” каби асарларида умунинсоний қадриятларни, динлараро муштараклик ва бағрикенгликни юксак пардаларда тараннум этган. Бу асарлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини юқотмай, кўплаб чет тилларга, жумладан ўзбек тилига қайта-қайта таржима қилиниб, ўзбек миллий бадий тафаккуримизни ривожлантириб келмоқда. Ҳайнрих Ҳайненинг “Германия. Қиш эртаги” дostonи ва жарангдор шеърляти Миртемир, Х. Салоҳ, А. Шер, А.Суюн каби шоирларимиз ижодига адабий таъсир кўрсатмоқдаки, натижада ўзбек адабиётида мазмун ва шакл жиҳатидан янгидан-янги асарлар пайдо бўлмоқда.

**Олмон тили - санъат тили.** Кўплаб соҳалар қаторида тасвирий ва музика санъати соҳасида ҳам олмон тафаккурининг натижалари бисёрки, бу ҳам олмон тили қудратининг намоиши ҳисобланади. Дунёни ҳайратга солган Албрехт Дюрер ( 1471-1528), Каспар Давид (1774-1840), Отто Рунге (1777-1810) каби мўйқалам соҳиблари олмонча тасаввур ва тафаккур билан ижод қилганлар. Ўз мусиқавий асарларини яратган қатор даҳо олмонзабон бастакорлар ҳам олмон миллатига мансублиги бизга маълум. Булар Йоханн Зебастиан Бах (1685-1750), Лудвиг ван Бейтхофен (1770-1827), Рихард Вагнер(1813-1883) кабилардир.

**Олмон тили - иқтисодиёт тили.** Маълумки, бугунги кунда Олмония иқтисодиёти дунёнинг кўпгина мамлакатларига намуна бўлаётган иқтисодиётдир. Ана шу иқтисодиётнинг дастлабки таълимоти ҳисобланмиш буюк “Капитал” асарини буюк олмонлар Карл Маркс ва Фридрих Энгельслар яратган. Мамлакатимизда шаклланаётган бозор иқтисодиётининг ёрқин намунасини, умуман **иқтисодиётда яратилган мўжизанинг** олмон намунасини ҳам олмонзабон иқтисодиётчи профессор Лудвиг Эрхард яратган ва бу мўжизани бутун дунёга намоён қилиб, иккинчи жаҳон маҳорабасида яксон қилинган ўз юртини қисқа фурсатда ривожланган давлатлар қаторига олиб чиққан. Шу сабабли у ёки бу тилнинг қудрати шу тилда гаплашувчиларнинг иқтисодий тафаккури салоҳияти билан ўлчанадиган оддий ҳақиқатга ривожланган давлатлар амал қилмоқда.

**Олмон тили – фан ва техник кашфиётлар тили** эканлигига мисоллар бисёр. Автомобил саноатининг шоҳ асари бўлмиш “Мерседес Бенц”, “Фолксваген”, “БМВ” каби оғир ва енгил автомашиналарни олмон инженерлари тафаккури яратган. Медицина соҳасига дахлдор диагностика – ўпка ташхисини аниқловчи аппаратнинг асосини нурлар белгилашини ҳам олмон олими Рёнтген, автомашина ва бошқа техник апаратларнинг юраги бўлмиш Отто моторни эса Николапус Отто, саляркада ишлайдиган моторни эса Дизель , ойнаи жаҳонни дастлаб 1928 йилда олмон инжнери Паул Нипков, дастлабки механик компьютерни 1938 йилда асли қурувчи-инженер бўлган

Конрад Цузе, биринчи китоб босиш (типография)техникасини 1445 йилда дунёнинг энг буюк саккизта ихтирочисининг бири олмон Йоҳаннес Гутенберг яратганлиги билан, физика фанининг корифеи - нисбийлик назариясини кашф этган Алберт Айнштейн (Эйнштейн эмас), нурланиш қонуни ва квант назариясини Макс Планк, квант механикасини эса ихтирочи Вернер Хайзенберг, ўпка касаллигини келтириб чиқарувчи таёқчани ҳам олмон табиби Роберт Кох кашф этган. Олмонлар қилган бу ихтиролар инсоният таракқиётига мислсиз ҳисса бўлгани барчага маълум. Шуларнинг бари олмон тилининг қудрати ва салоҳиятидан дарак беради.

**Олмон тили – инновациялар тили.** Юқорида қайд қилинган барча ихтиролар дастлаб инновация, яъни янгилик сифатида тарихга кирган, албатта. Аммо ҳозирги кунгача жаҳонни ўзгартирган 20 дан ортиқ машҳур инновацияларни ҳам олмонлар яратган, юқорида қайд қилинганлардан ташқари яна қуйидагилар олмонларга тегишли: 1650 йилда физик Отто фон Гюреке яратган вакуум техникаси, 1834 йилда Фридрих Келлер яратган ёғоч чиқиндиларидан олинадиган целлюлозадан ишлаб чиқиладиган қоғоз тури, 1859 йилда физик Филлип Райс ихтиро қилган телефон, жинси (Jeans) матосини яратган тўқимачи-саноатчи Лёб Штраус, 1881 йилда трамвайни кашф қилган Вернер фон Сийменс, 1897 йилда граммофон ва пластинкани ихтиро қилган Эмиль Берлинер, 1903 йилда Райнҳолд Бургер яратган термос идиш, 1897 йилда аспири дорисини яратиб миллионлар дардига даво топган кимёгар Феликс Хофманн, 1925 йилда Оскар Барнак яратган микрофилм олувчи фотоаппарат, 1934 йилда Херманн Кемпер кашф қилган осма йўлни – бариси-барисини олмон тилида гаплашувчи Германиялик инсонлар яратганки, бу шу тилнинг инновацион ифода қудратидан дарак беради.

**Олмон тили – ҳамкорлик тили.** Юқорида қайд қилинган кашфиётлар асосида фаолият олиб бораётган олмон тадбирклорлари бугунги кунда дунёнинг барча ривожланган давлатлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Жумладан, Ўзбекистон ривожига бевосита ҳисса қўшаётган давлатлардан бири ҳам Германия Федератив Республикасидир. 1994 йилда

имзоланган Германия-Ўзбекистон ҳамкорлик шартномаси асосида икки мамлакат учун манфаатли қатор лойиҳалар йўлга қўйилган. Жумладан, «MAN» юк машиналарини ишлаб чиқариш, Германиянинг «Chemnitz» заводи тўқимачилик технологиясининг пахтани қайта ишлашда қўлланилиши, «KLAAS» концерни ва “Lemken” компанияси билан қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш, «KNAUF» компанияси билан қурилиш материаллари тайёрлаш, «Deutsche Kabel» компанияси билан кабель-ўтказгичлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини санаб ўтиш мумкин. Таълим тизимидаги чет эл фондлари — Конрад Аденауер фонди, Фридрих Эберт фонди, DAAD - Олмония академик алмашувлар хизмати, Гёте институти, Хумболдт фонди ва бошқа жамғармалар ўзбек ёшлари учун катта беғараз таълимий инвестициялар қилишмоқда. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига 784,4 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги тўғридан-тўғри олмонзабон фирмалар инвестициялари ва кредитлари жалб қилинган. 2018 йилнинг 9 ойи давомида йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айрибошлаш ҳажми 526 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Германиялик сармоядорлар иштирокида 200га яқин, шу жумладан, соф хорижий капиталга эга бўлган 36 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Республикаимизда Германиянинг 50га яқин фирма ва компаниялари ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида ҳам Олмония билан анча кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Олий таълим соҳасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Ҳайделберг ҳамда Бохум университетлари ўртасида, Ўзбекистон миллий университети ва Мюнстер университети ўртасида шартномавий асосда ҳамкорлик ўртанатилган. Халқ таълими соҳасида бугунги кунда мамлакатимиздаги 1842 мактабда 377 мингдан ортиқ ўқувчи олмон тилини ўрганмоқда, шу жумладан, 5 мингга яқин ўқувчи Тошкент, Самарқанд ва Марғилон шаҳарларида Германиянинг тил соҳасидаги ихтисослашган дипломи



(DSD) олиш ҳуқуқини берувчи учта махсус мактабларда таҳсил олмоқда. 4443 нафар ўқитувчи немис тилидан сабоқ бермоқда.

2019-2023 йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи муносабати билан Берлинда ўтказилган иқтисодий форумда имзоланган ҳамкорлик шартномаси асосида Германиядан келиши режалаштирилган ўнлаб миллиард евро ҳажмли инвестицияларнинг эгалари – олмонзабон тадбиркорлардир.

Қисқа қилиб айтганда, мамлакатимиз тараққиётига ҳиссалари бмилан ҳамкорлик қилаётган Олмониянинг тадбиркорлари миллий тили бўлган олмон тилининг лингвокултурологик аҳамияти барчамизнинг диққат марказимиз ва диққат-эътиборимизда бўлмоғи керак.